

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

Адабиётшунос олим, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори Абдулхамид Курбонов
таваллудининг 60 йиллигига бағишланган

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИДА МАТНШУНОСЛИК
ВА МАНБАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

мавзусидаги

анъанавий республика илмий-назарий
анжумани материаллари
Наманган, 2018 йил, 4-5 май

С. Шодиева
18ap 09

Наманган – 2018

XVIII АСР ВА XIX АСРНИНГ 70 ЙИЛЛАРИГАЧА БЎЛГАН ДАВРДАГИ ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ИЖОДКОРЛАРИНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

Сурайё Шодиева, ҚарДУ магистранти

XVIII аср ва XIX асрнинг 70 йилларигача, яъни Миллий уйғониш давригача бўлган адабиёт ўзбек мумтоз адабиёти тарихи тараққиётининг муҳим бир босқичи бўлди. Чунки бу босқичда халқ манфаатларини ҳимоя қиладиган, меҳнаткашларнинг жабр-зулмга қарши норозилиги, уларнинг эркин ҳаёт тўғрисидаги қарашлари ифодаланган демократик руҳдаги адабиёт шакллана бошлади. Мана шу даврда Бухоро амирлигига қарашли Қашқадарё воҳасида ҳам бир қанча истеъдодли ижодкорлар етишиб чиқди. Улар ўз асарлари орқали ўша даврдаги халқ ҳаётини реалистик услубда тасвирлаб бердилар. Бироқ Хива ва Кўкон хонлигидан фарқли ўлароқ, Бухоро амирлигида адабий жараён анча кийин кечди. Чунки ўша даврда Бухорода ҳокимият Субҳонкулихон кўлига ўтгандан сўнг, у отаси ва акаси тарафдорлари бўлган истеъдод эгаларини, хусусан, кўплаб илм аҳлини таъқиб остига олади. Бу эса уларнинг эркин ижод қилишига тўсқинлик қилди.

Қашқа воҳаси ижодкорларининг ҳаёти ва ижоди, асарларининг ғоявий – бадиий хусусиятлари борасида илмий - назарий қарашлар деярли учрамайди. Кейинги пайтларда яратилган адабиётшунос олимлар, хусусан, П.Равшанов ҳамда О.Равшановларнинг баъзи илмий ишларида қисман фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган. Қашқа воҳаси ижодкорлари томонидан яратилган ғоявий жиҳатдан етук бадиий асарларнинг тадқиқ этилиши билан ўзбек мумтоз адабиётининг манбалари янада бой эканлигига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, Туркистон ўлкасининг таназулига сабаб бўлган тарихий далилларнинг ҳам шоҳиди бўлишимиз мумкин. Қуйида XVIII аср ва XIX асрнинг 70 йилларигача бўлган даврдаги Қашқадарё воҳаси ижодкорларининг адабий манбалари билан танишамиз.

Жумладан, **Ломей Насафий** XVII аср охири ва XVIII аср бошларида яшаган ҳамда ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган, зуллисонайн шоирдир. Шоирнинг бизгача “Ибратнома” ва “Шараф ул - инсон” асарлари етиб келган.

Ломей Насафийнинг ижоди етарли даражада ўрганилган эмас. Унинг адабий мероси Санк – Петербургдаги М.Е.Салтиков - Шчедрин номли кутубхона жамғармасида сақланади²⁰⁵.

Сайидо Насафий 1637 - йил Қаршида туғилиб, 1710 - йилда Бухорода вафот этган. Унинг “Шаҳр Ошуб” номли асари маълум. Дастлаб Сайидо ижоди 1950-йилда ўрта мактабнинг XVIII - IX синфлар учун мўлжалланган Ўзбек адабиёти тарихи китобида берилган. Ҳозирги кунга

²⁰⁵ Равшанов П. Қашқадарё тарихи. –Т.: Фан, 1995. – Б. 765.

қалар ҳаёти ва ижоди жиддий ўрганилмаган.

Мулла Абдулҳолиқ Озари Насафий XVII аср охири ва XVIII аср бошларида яшаган. Унинг “Девони Озор” мажмуаси ЎзФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар жамғармасида 130/11 рақами остида сақланмоқда²⁰⁶. Шоир ижоди ҳали жиддий ўрганилмаган.

Сайидхўжа Насафий XVII аср ва XVIII асрнинг биринчи чорагида қарши шаҳрида яшаб, ижод этган зуллисонайн шоирдир. “Мазҳар ул-мусаннифин” муаллифи Н. Насафийнинг маълумот беришича, шоирнинг “Богча ва бўстон”, “Шохча ва бўстон”, “Китоби ҳамиша баҳор”, “Хобу ҳаёл”, “Фироқу висол” сингари дostonлари ва шеърӣ девонлари мавжуд. Сайидхўжа ижоди ҳам ҳали тадқиқ қилинмаган.

Салоҳиддин Салоҳий XVIII асрда Қарши шаҳрида яшаб ижод этган, таниқли зуллисонайн шоирдир. У ўзбек тилида “Гул ва булбул” ҳамда тожик тилида эса “Юсуф ва Зулайхо” дostonларини яратган. Салоҳийнинг “Гул ва булбул” дostonи дастлаб 1959 - йилда нашр этилган гўрт томлик Ўзбек адабиёти тўпламининг учинчи томига берилган. Кейинги дostonи ҳақида эса маълумот берилмаган.

Нурмуҳаммад Насафий XVIII аср ўрталарида Қаршида яшаб ижод этган олимдир. Унинг тазкира руҳидаги “Мазҳар ул-мусаннифин” асари машҳурдир.

Мулла Қурбон Хиромий 1796- (баъзи манбаларда 1810. Қаранг: Абдуллаев. В. А. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1964, 149-бет.) йилда таваллуд топган. Хиромий “Чор дарвеш”, “Тўтинома” ҳамда “Раъно ва Зебо” сингари дostonлар муаллифидир. Унинг ҳаёти ва ижоди Т. Қорасев, Б. Валихўжаев ва П. Равшановлар томонидан ўрганилган.

Мир Шариф ибн Неъматуллоҳ Қамашигий XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг учинчи чоракларида яшаган. Шоир ҳаёти ва ижодини О. Равшанов жиддий ўрганган. У зот узоқ умр кўрганини девондаги ҳасби ҳол йўналишидаги шеърлари, таржима асарлари – “Мухтасар ул-виқоя”, “Фарзи айн”, “Фикҳи кайдоний” ибтидо ва хотима қисмларида берилган таърихлардан англаш мумкин²⁰⁷.

Мушток Шаҳризабзий XIX асрнинг биринчи чорагида баракали ижод қилган шоирлардан биридир. Мушток ҳақидаги илк маълумотни Ф. Намонгоний “Мажмуаи шоирон” тазкирасида бериб ўтади. Шоирнинг тожик тилида ёзилган бир девони бор.

Ленинграддаги М.Е.Салтиков - Шчедрин номли кутубхона қўлёзмалар бўлимида ПНС - 355 рақами билан “Мажмуаи – ашъор” баёзи

²⁰⁶ Муҳаммад Носир. Насаф ва Кеш алломалари. –Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006 – Б 85.

²⁰⁷ Равшанов О. Мушток адабиёт сарҳадларида –Т: Янги аср авлоди, 2014 – Б 303.

сакланади. "Мажмуани – ашъор" нинг 97 - 100 - бетларида муштоқнинг учта газали Урин олган²⁰⁸. Мазкур шоирнинг ижоди ҳам жиддий ўрганилмаган.

Фарах Шахрисабзий XIX асрнинг ўрталарида яшаб ижод қилган шоир. Унинг асарлари илм аҳлига маълум эмас, бироқ А. Қаюмовнинг "Қўқон адабий муҳити" асарида унинг Жунайдулло Ҳозик вафотига бағишлаб ёзган бир таърихи келтирилган. (Қаранг: Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. – Т: 1961, 160-бет.)

Жунайдулло Ҳозик XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган шоирлардан бири ҳисобланади. Ҳозикнинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган шеърларидан ташкил топган қўлёзма девони СССР Фанлар академиясининг Ленинград бўлимида сақланади. Унинг тожик тилида ёзилган шеърларининг кичик бир тўплами ЎзФА Шарқшунослик институтида мавжуддир²⁰⁹.

Рожий Шахрисабзий XIX асрнинг биринчи ярмида туғилган. Унинг машҳур "Ҳусни хат китъалари" асари етиб келган. Рожийнинг ҳаёти ва ижоди махсус ўрганилмаган.

Тоҳира Насафий XIX асрнинг биринчи ярмида Қаршида яшаб ижод қилган шоирадир. Шоира ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ва газаллар ёзган. Лекин девони ҳақида бирорта адабиётда маълумот берилмаган. Тоҳира Насафийнинг ижодини Тожи Усмон ва Э. Шодиевлар қисман ўрганишган.

Нисорий Насафий XIX асрда яшаб ижод қилган шоирлардан бири. У ҳақида жуда кам маълумот етиб келган. Нисорий ҳақида дастлаб, Раҳматулло Возех ўзининг "Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират-ул-асҳоб" асарида маълумот беради. Возех уни истеъдодли шоирлар сафига қўшади.

Назар Муҳаммад ан – Насафийнинг туғилган йили номаълум. Унинг фақат "Таърихи Вали" асари борлиги ҳақида маълумот бор. "Таърихи Вали" асарининг 1835-йилда кўчирилган қўлёзма нусхаси ЎзФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар жамғармасида сақланмоқда²¹⁰.

Мазкур асарлар келажакда илмий тадқиқини кутиб турибди. Бу адабий манбаларнинг илмий тавсифини кейинги илмий ишларимизда батафсил бериб борамиз.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. – Т: Ўқитувчи, 1964. – Б. 384.
2. Муҳаммад Носир. Насаф ва Кеш алломалари. – Т: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 128.

²⁰⁸ Раъшанов П. Шахрисабз тарихи. –Т: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 449.

²⁰⁹ Ўзбек адабиёти. 4 томлик. 3 том. – Тошкент: 1959. – Б. 702

²¹⁰ Муҳаммад Носир. Насаф ва Кеш алломалари. – Т: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 89.

3. Равшанов О. Мумтоз адабиёт сарҳадларида. – Т: Янги аср авлоди, 2014. – Б. 516.
4. Равшанов П. Шаҳрисабз тарихи. –Т: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 548.
5. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т: Фан, 1995. – Б. 784.
6. Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. Учинчи том. – Тошкент: 1959. – Б. 804.

МАТН – ТАРИХИЙ ОМОНАТ

Шоирахон Хўжаева, Қўқон ДПИ ўқитувчиси

Маълумки, Алишер Навоий асарларининг биринчи тўплами 1968 йилда тузилган. У 15 жилддан иборат бўлиб, ўзида шоирнинг 26 асарини жамлаган. Ушбу тўпламни нашрга тайёрлашда Воҳид Зоҳидов, Азиз Қаюмов, Ҳамид Сулаймонов, Порсо Шамсиев, Ҳоди Зариф, Рамз Бобожон каби навоийшунос олимларимиз хизмат кўрсатганлар. “Назму-л-жавоҳир” асари 15-томдан ўрин олган бўлиб, уни Порсо Шамсиев нашрга тайёрлаган. Ушбу нашрда асарнинг муқаддимаси замон зайли билан тушириб қолдирилган ва фақат 254 рубойининг ўзигина берилган. Ҳолбуки, бу асарнинг айнан муқаддима қисмидан у ҳақидаги энг муҳим маълумотлар: асарни ёзишдан кўзда тутилган мақсад, ёзилиш сабаблари ва вақти ҳақида батафсил маълумот жой олган бўлиб, ундан беҳабар инсон, табиийки, асар моҳиятини тўла англолмайди. Бунинг устига, мазкур нашрда Ҳазрат Али ҳикматлари ҳам тушириб қолдирилганки, бу ҳол асарни асл моҳиятидан бутунлай узоқлаштириб юборган. Зеро, “Назму-л-жавоҳир” Ҳазрат Али ҳикматлари асосида битилгани сабабли уни бу ҳикматлардан айро ҳолда тасаввур этиш имконсиздир.

Ноширлар томонидан асарнинг бундай катта ўзгаришларга учраши у ҳақида китобхонда нотўғри тасаввур юзага келишига сабаб бўлади. Яъни, китобхон “Назму-л-жавоҳир” деганда шунчаки рубойлар тўпламинигина тушуниши мумкин. Бундан ташқари, ушбу рубойлар ҳам ҳарфларнинг ва сўзларнинг тушиб қолиши, сўзларнинг ва ҳатто мисраларнинг ўрин алмашиши каби жиддий хатолар билан берилганки, бу ҳолат асарнинг ана шу рубойлар воситасидагина бериши мумкин бўлган таъсир кучини бир даражада камайтиради.

Кўринадики, 1968 йилги нашрда асар ҳам мазмун, ҳам шакл нуқтан назаридан бузилган. Чунки ҳар бир асар ўзига хос бир иморат бўлиб, ундан бир ғиштнинг олиниши ҳам асар мукамаллигига путур етказиши аён ҳақиқатдир. Шундай бўлса-да, ўша давр шароитида диний руҳдаги бу асарнинг, қандай савияда бўлмасин, нашр қилинишига эришишнинг ўзиёқ ўзбек адабиёти учун катта муваффақият эди, деб айтиш мумкин. Шу билан бирга, бу нашр асарнинг мустақиллик даврида қилинган нашрига

21. Ғайипов Д.	Отаниёз Ниёзий ижодий мероси манбалари ва шоир асарлари нашри ҳақида.....	96
22. Мамадалиева З.	Моний образининг манбалардаги талқини.....	99
23. Abdurahmonov Sh., Qurbonova Sh.	Yusuf Amiriy lirikasida tajnis san'ati.....	101
24. Қурбонов А.	Зулф: тасаввуфий маънолар олами (2-мақола).....	103
25. Арслонов А.	Шарқ халқлари адабиётида қуш тили воситасидаги бадий асарларнинг яратилишига бир назар.....	112
26. Жўраев Ж.	Шарафиддин Али Яздийнинг “Хулали мутарраз дар фани муаммо ва луғаз” асари илмий-танқидий матнини яратиш тажрибасидан.....	115
27. Муҳаммадиев А.	Адабий манбаларнинг қиёсий тадқиқи.....	124
28. Маҳмудов Ж.	Табибий ва Шўриши ишқ	131
29. Асадов М.	Поэтик жанр тарихини тадқиқ қилишга доир айрим мулоҳазалар.....	134
30. Болтабаева О.	Муҳаммадшариф Сўфизода ҳаёти ва ижодининг миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти ривожигаги ўрни.....	140
31. Ҳамроева О.	“Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасида Яссавий ва Сулаймон Бокирғон ҳикматлари матни.....	144
32. Қораев Ш.	Алишер Навоий асарлари давр адабий мажлислари манбаси сифатида.....	150
33. Асланова Ҳ.	Ғадий меросининг ўрганилиш тарихи.....	153
34. Маҳкамтова О.	Noyob she'riy lug'at haqida.....	155
35. Шодиева С.	XVIII аср ва XIX асрнинг 70 йилларигача бўлган даврдаги Қашқадарё воҳаси ижодкорларининг адабий мероси	158
36. Хўжаева Ш.	Матн – тарихий омонат.....	161
37. Аҳмаджонова О.	Муқимий ижодида образ ва ҳарактер яратиш усуллари.....	165
38. Umarova Z., Umarov S.	Navoiyshunoslik sohasida yangi darslik.....	167
39. Абдуллаева М.	Қуёшли қалбнинг қуёшли каломлари.....	170
40. Mingboyeva M.	“Saddi Iskandariy” dostonidagi hikmatlar talqini.....	174